

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲКАМОВ МУЗАФФАР АБДУҒАППОРОВИЧ

**КАРБОКСИЛ ГУРУҲЛИ ЯНГИ ФУНКЦИОНАЛ ПОЛИМЕРЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04-Физик кимё
02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the dissertation of doctor of science (DSc)

Махкамов Музаффар Абдуғаппорович

Карбоксил гуруҳли янги функционал полимерларнинг физик-химёвий хоссалари..... 3

Махкамов Музаффар Абдуғаппарович

Физико-химические свойства новых функциональных полимеров с карбоксильными группами..... 29

Mahkamov Muzaffar Abdugapparovich

Physico-chemical properties of new functional polymers with carboxyl groups 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲКАМОВ МУЗАФФАР АБДУГАППОРОВИЧ

**КАРБОКСИЛ ГУРУҲЛИ ЯНГИ ФУНКЦИОНАЛ ПОЛИМЕРЛАРНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04-Физик кимё
02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/K7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиков Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Аминов Собиржон Нигматович
кимё фанлари доктори, профессор

Исмоилов Равшан Исроилович
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail:nauka@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т.Шарипов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А.Гафурова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

Т.М.Бабаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан ҳисобланган кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтикада ишлатилаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий улуши полимерларга тегишли бўлиб, уларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортмоқда. Айниқса, янги гидрофил хусусиятли функционал полимерларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш бўйича кенг кўламли изланишлар олиб борилмоқда. Бундай полимерлар асосан тиббиётда, фармакологияда, биотехнологияда, қишлоқ хўжалигида, текстил саноатида, атроф-муҳит муҳофазасида қўлланилади.

Гидрофил хусусиятли юқори молекуляр бирикмалар орасида карбоксил гуруҳга эга полимерлар алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда карбоксил гуруҳли полимерларни ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмини аниқлаш, физик-кимёвий хоссаларини йўналтирилган равишда яхшилаш, органик ва ноорганик бирикмалар билан комплексларини олиш, биологик фаол бирикмаларни иммобилизациялаш, каталитик хоссага эга бўлган металл нанозаррачалари тутган полимер гидрогеллар, полимер композициялар ва стимул сезгир тизимлар яратиш ҳамда иқтисодийнинг истиқболли соҳаларига жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги вақтларда маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги функционал полимер материаллар яратиш ва уларни импорт қилинувчи маҳсулотлар ўрнига амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур йўналишда турли ионитлар, доривор моддалар, гидрогеллар, криогеллар ва бошқа материаллар олишда муҳим натижалар қўлга киритилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада карбоксил гуруҳга эга сувда эрувчан ва бўкувчан янги истиқболли функционал полимерлар ва полимер композициялар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёсини тадқиқ қилиш ҳамда фойдаланиш соҳаларини аниқлаш, турли соҳаларда амалиётга тадбиқ этиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 сон «Мамлакат иқтисодийи

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Карбоксил гуруҳ тутган функционал полимерлар синтези, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ва амалиётга қўллаш соҳалари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Weizmann Institute of Science (Исроил), University of Potsdam (Германия), Istanbul Technical University (Туркия), Institute of Physical Chemistry (Германия), Nagoya University (Япония), University of Chicago (АҚШ), Yale University (АҚШ), А.В.Топчиев номидаги нефткимёвий синтез институти (Россия), Москва Давлат университети (Россия), Полимер материаллар ва технологиялари институти (Қозоғистон), Кимё фанлари институти (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Карбоксил гуруҳли янги функционал полимерларни синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: крахмални кимёвий модификациялаш орқали янги сувда эрувчан полимерлар синтез қилинган (Payame Noor University, Эрон; National Research Center, Миср; Tianjun university, Хитой; Nanjing university, Хитой); карбоксил гуруҳли полимерлар билан турли табиий тўлдирувчилар, яъни бентонит гилмоялари асосидаги полимер композициялар яратилган (Toyota Technological Institute, Япония; National Technical University of Athens, Греция; Sharda University, Хиндистон; Физик-кимёвий илмий тадқиқот институти, Россия); целлюлоза ва унинг ҳосилалари асосида карбоксил гуруҳли гидрофил полимерлар олинган (Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ўзбекистон; Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон); карбоксил гуруҳ тутган пектин моддалар олинган ва уларни биологик фаол бирикмалар билан модификацияланган (Ўсимлик моддалар кимёси институти, Ўзбекистон).

Дунёда гидрофил функционал полимерларни синтез қилиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини текшириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: рН ва термосезгир полимерлар олиниши ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш; нефть-газ кимёсида қўлланиладиган гидрогеллар олиш; реакцион қобилятли

²Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com>, <http://www.fundamental-research.ru>, <http://www.km.ru>, <http://www.dissercat.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

функционал полимерлар ҳосил бўлишининг кинетикаси ва механизмини аниқлаш; тиббиётда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувда эрувчан ёки бўкувчан полимерлар синтез қилиш; каталитик хоссага эга бўлган металл нанозаррачалари тутган полимер гидрогеллар синтези қилиш ва хоссаларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карбоксил гуруҳ тутган полиэлектродитларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш борасидаги дастлабки тадқиқотлар Н.Kuhn (АҚШ), А.Katzir-Katchalsky (Исроил) ва R.M.Fuoss (АҚШ) каби олимлар номи билан боғлиқ. Юқори молекуляр бирикмалар соҳасидаги йирик олим В.А.Кабанов (Россия) биринчилардан бўлиб карбоксил гуруҳлари тутган мономерларнинг сувли эритмаларда полимерланишини тизимли равишда ўрганган олимлардан биридир. У эритувчи табиатини нафақат карбоксил гуруҳ тутган мономерларнинг (со)полимерланиш тезлигига, шу билан бирга ҳосил бўлаётган (со)полимерларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларига ҳам катта таъсир қилишини кўрсатиб берган.

Полиэлектродит эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, жумладан улар эритмаларининг қовушқоқлиги ва ионланишини ўрганишда S.A. Rice (АҚШ) ва M. Nagasawa (Япония) каби олимларни ҳиссалари бекиёс. Полиэлектродитларни қуйимолекуляр ва юқори молекуляр бирикмалар билан комплекс ҳосил қилишини ўрганишга акад. Е.А.Бектуров (Қозоғистон) ва проф. С.Е.Кудайбергеновларнинг (Қозоғистон) қўшган ҳиссалари катта. Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам турли синтетик ва сунъий полиэлектродитлар синтези ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича академиклар Х.У.Усмонов, К.С.Ахмедов, С.Ш.Рашидова, М.А.Асқаров, С.С.Негматов, А.С.Тураев, А.Т.Джалилов, Г.Р.Рахмонбердиев, профессорлар Т.М.Бабаев, Ф.А.Магруппов, А.А.Саримсоқов, Х.И.Акбаров, У.К.Ахмедов, М.Г.Мухамедиев, В.О.Кудишкинлар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Табиий биологик фаол бирикмалар асосида дунёда биринчилардан бўлиб тиббий-биологик фаол функционал полимерлар синтез қилган олим проф. У.Н.Мусаевни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф.3.6 «Сувда эрувчан ва гель ҳосил қилувчи янги стимул сезгир полифункционал полимерлар яратишнинг фундаментал асослари» (2002-2006 йй); ОТ.3.Ф.151. «Полимерлар биологик фаол бирикмаларни ташувчилари сифатида, ингибиторлар. Детерпеноидларнинг таъсир механизми» (2007-2011 йй); Ф-7-56 «Комбинирилган таъсирга эга стимул-сезгир композицион полимер геллар яратишнинг илмий асослари» (2012-2016 йй) мавзуларидаги фундаментал ва А-12-69 «Крахмалнинг сувда эрувчан ва гель ҳосил қилувчи ҳосилалари олишининг ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади карбоксил гуруҳи тутган сувда эрувчан ва бўкувчан янги функционал полимерлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

карбоксил гуруҳлар тутган сувда эрувчан ва бўкувчи янги функционал полимер ва полимер композициялар олинишининг физик-кимёси;

метакрилоилгликол кислотасининг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикасига ва ҳосил бўлаётган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларига муҳит таъсирини аниқлаш;

полиметакрилоилгликол кислотаси сувли эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

метакрилоилгликол кислотаси асосидаги сувда эрувчан ва бўкувчан полимерларнинг турли доривор моддалар билан таъсирлашуви кинетикаси ва термодинамикасини кўриб чиқиш;

крахмални қаттиқ фазада кимёвий модификациялаш орқали карбоксиметил крахмал олиш ва унинг сувли эритмаларини физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

бентонит гилмоялари иштирокида акрилкислотасини интеркаляцион полимерлаш орқали полимер композициялар олиш ва уларнинг тузилишини аниқлаш;

олинган полимер композицияларнинг турли қуйи молекуляр бирикмалар билан таъсирлашувини физик-кимёсини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти метакрилоилгликол кислотаси, полиметакрилоилгликол кислотаси, жўхори крахмали, карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи, полиакрил кислотаси ва бентонит гилмояси асосидаги полимер композициялар, доривор ва бўёқ моддалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети карбоксил гуруҳлар тутган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини уларнинг тузилиши ва олиниш шароитларига боғлиқлигини ҳамда қуйимолекуляр органик бирикмалар билан таъсирлашувининг физик-кимёвий параметрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. УВ- ва ИҚ-спектроскопия, гравиметрия, рентген тузилиш таҳлили, оптик ва сканирловчи электрон микроскопия, эксклюзив суюқлик хроматографияси, потенциометрия, ультрацентрифугалаш, вискозиметрия, дилатометрия ва бошқа усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги мономер-метакрилоилгликол кислотасининг сувли эритмаларда радикал полимерланишида мономернинг полимерланиш тезлиги ҳамда ҳосил бўлаётган полимерларнинг физик-кимёвий хоссаларига эритма рН-қиймати ва ион кучи таъсир этиши исботланган;

полиметакрилоилгликол кислотаси сувли эритмаларининг гидродинамик хоссалари текширилиб, Марк-Кун-Хаувинк тенгламасидаги «К» ва « α » параметрлари, Кун сегменти ва макромолекулалар занжири учлари орасидаги масофанинг ўртача квадрат қийматлари аниқланган;

метакрилоилгликол кислотаси асосидаги турли чокловчи воситалар билан чокланган гидрогелларнинг сувли эритмаларда бўкиш жараёни текширилиб гелларнинг бўкиш даражаси ва тўрсимон тузилиш параметрларининг олиниш шароитига боғлиқлиги аниқланган;

каттиқ фазада крахмални кимёвий модификациялаш йўли билан карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи олиниб, унинг сувли эритмаларини физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

акрил кислотаси ва маҳаллий «Навбахор» бентонит гилмоялари асосида “*in situ*” интеркаляцион полимерлаш усули билан чокланган тузилишга эга полимер композициялар олинган ва уларни қуйимолекуляр органик бирикмалар билан таъсирлашувини текшириш орқали композицияларнинг таркибига бентонит киритилмаган гелларга нисбатан юқорироқ сорбцион хоссаларга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гликол кислотаси асосида янги карбоксил гуруҳи тутган сунъий функционал полимер-полиметакрилоилгликол кислотаси олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи асосидаги комплекс қуюқлаштирувчилар ОАЖ«Bukhara Brilliant Silk» корхонасида пахта-ипак типига аралаш матоларига гул босишда синовдан ўтказилиб импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан самарадор эканлиги аниқланган;

полиакрил кислотаси ва «Навбахор» бентонити асосида полимер композициялар олиниб, улар сорбентлар сифатида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган физик-кимёвий усуллар ИҚ- ва УБ-спектроскопия, оптик ва сканирловчи микроскопия, рентген тузилиш анализи, потенциометрик титрлаш ҳамда моддаларни идентификациялашнинг кимёвий усуллари ёрдамидан фойдаланилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ионоген мономерларнинг радикал полимерланиш кинетикаси ҳақидаги фундаментал тасавурларни кенгайтирилганлиги, тўрсимон тузилишга эга полимерлар синтези борасидаги назарий тушунчаларни ривожлантирилганлиги, метакрилоилгликол кислотаси асосида олинган янги сувда эрувчан ва бўкувчан рН-сезгир, реакцион қобилиятли полимерлар яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузидан сувли эритмаларни қовушқоқлигини оширувчилар сифатида қўлланилиши ҳамда у асосидаги композициялар қуюқлаштирувчилар сифатида текстил саноатида матоларга гул босишда синовлардан ўтказилиб ишлаб чиқаришга жорий қилинганлигидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Карбоксил гуруҳ тутган янги функционал полимерлар ва полимер композициялар олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган натижалар асосида:

полиметакрилоилгликол кислотаси Австриянинг Вена университетида «Гидрофил функционал полимерлар биосенсорлар сифатида» лойиҳасини бажаришда рН-сезгир полимерлар сифатида фойдаланилган (Австриянинг Вена университети 2017 йил 24 июлдаги маълумотномаси). Натижада янги сенсор материаллар ва микроорганизмларни боғловчи полимер тизимлар яратиш имконини берган;

полиакрил кислотаси ва бентонит гилмоёси асосида олинган полимер композицион материаллар «Farg'onaazot» АЖ амалиётга жорий этилган («Farg'onaazot» АЖ корхонасининг 2017 йил 15 мартдаги 37/1465-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувлардаги ионлар (NH_4^+ , SO_4^{-2} , Cl^- ва бошқ.) миқдорини 15% гача камайтириш имконини берган;

карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи асосида икки турдаги янги композицион қуюқлаштирувчилар «Bukhara Brilliant Silk» ОАЖда амалиётга жорий этилган («O'zbekipaksanoat» уюшмасининг 2018 йил 29 январдаги ША-02-18/133-сон маълумотномаси). Натижада импорт қилинувчи аналогларга нисбатан ранг босишда ишлаб чиқилган қуюқлаштирувчиларнинг матодан ювилиши ўртача 30% га юқори бўлиш имконини берган;

махаллий хомашё асосида олинган карбоксиметилкрахмалнинг натрийли тузи КА-11.004 рақамли «Альпек, экдинокс антигельминтик дори воситалари ва альбендозолнинг суспензион шаклини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада албендозолнинг полимер комплекслари олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 26 декабрдаги ФТА-02-11/1360-сон маълумотномаси). Натижада улар асосида таъсир муддати узайтирилган янги полимер дори шакллари яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 14 та, жумладан 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан биттаси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича қисқача маълумот берилган, ишнинг апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Карбоксил гуруҳли функционал полимерлар синтези ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатлари**» деб номланган **биринчи бобида** диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республикамиздаги илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилиб, унда полиэлектrolитларнинг ва уларнинг турли комплексларини физик-кимёвий хоссалари кўриб чиқилган. Илмий-техника ва патент ахбороти ўрганилиб, керакли физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган карбоксил гуруҳ тутган функционал полимерларни мақсадли синтез қилиш йўналишлари таҳлил қилинган. Карбоксил гуруҳли мономерларнинг (со)полимерланиш кинетикаси ва сополимерларнинг таркибини бошқариш кўриб чиқилган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифланган, мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, саноатнинг турли соҳаларида қўллаш мақсадида карбоксил гуруҳли янги функционал полимерлар синтез қилиш зарурияти тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг «**Янги карбоксил гуруҳли полимерлар синтезининг физик-кимёвий хусусиятлари**» деб номланган **иккинчи бобида** янги сунъий мономер-метакрилоилгликол кислотаси (МАГК) синтез қилиш усуллари; мономернинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикаси натижалари; ҳосил бўлаётган полимернинг физик-кимёвий хоссаларига реакцион муҳит табиатининг таъсири; МАГК асосида турли чокловчи воситалар иштирокида чокланган полимерлар олиш кинетикаси; крахмални монохлорсирка кислотасининг натрийли тузи иштирокида қаттиқ фазада карбоксиметиллаш реакциясига турли омиллар таъсири; полиакрил кислотаси ва бентонит гилмоysi асосида полимер композициялар олиш натижалари келтирилган.

Метакрилоилгликол кислотасининг радикал полимерланиш кинетикасининг ўзига хос хусусиятлари. МАГК икки усулда синтез қилинган. Биринчи усулда МАГК синтези учун гликол кислотасини Шоттен-Бауман усулидан фойдаланиб метакрил кислотасининг хлорангидриди билан қуруқ 1,4-диоксан муҳитида ациллаш реакцияси олиб борилди, реакцияда ажралиб чиқаётган HCl акцептори сифатида мўл миқдорда олинган триэтанолламин ишлатилди:



Иккинчи усул метакрил кислотасини натрийли тузини хлорсирка кислотасининг натрийли тузи билан диметилформаид мухитида куйидаги схема бўйича этерификация қилишдир:



олинган маҳсулотни сўнгра кислотали шаклга ўтказилади.

Синтез қилинган мономернинг баъзи бир физик-кимёвий кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

МАГКнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Формула	Мол. масса	T _{кайн} , К, 10 мм. сим. ус	d ₄ ²⁰	n _D ²⁰	MR, см ³ /г		Бром. сони		Кис. сони	
					Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.
C ₆ H ₈ O ₄	144	368-371	0,982	1,415	33,71	32,63	179,2	180	382	390

МАГКнинг кимёвий тузилиши унинг ИҚ-спектрини таҳлил қилиш, молекуляр рефракциясини ҳисоблаш, бром ва кислота сонларини аниқлаш ёрдамида идентификация қилинди.


МАГКнинг сувли эритмада радикал полимерланиш кинетикаси азо-изомой кислотасининг динитрили (АИКД) инициатори иштирокида 333К да дилатометрик усулда ўрганилди. МАГКни инициаторнинг ва мономернинг турли концентрацияларида радикал полимерланиш кинетикасини ўрганиш асосида куйидаги кўринишга эга полимерланиш тезлигининг умумий тенгламаси олинди:

$$V_n = K_m [I]^{0,5} [M]^{1,2};$$

Олинган *m* ва *n* қийматлари шуни кўрсатадики, МАГК нинг сувли эритмаларда АИКД инициатори иштирокида полимерланиши акрил мономерларнинг эритмада полимерланишининг одатдаги радикал полимерланиш қонуниятларига бўйсунди. Мономер бўйича реакция тартибининг назарий бир қийматидан юқори эканлигини ушбу мономерни сувли эритмаларда карбон кислоталар учун хос бўлган ассоциатлар ҳосил қилиши билан тушунтирилади.

Маълумки, ионланувчи мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиши ва сополимерланиши муҳит табиатини ўзгаришига жуда ҳам таъсирчан. МАГК ҳам ионоген функционал гуруҳ тутган бўлгани учун унинг радикал полимерланиш тезлигига ионоген гуруҳларни диссоциаланиш қобилиятини ўзгаришига сабабчи бўладиган омиллар, жумладан куйимолекуляр тузлар иштироки ва муҳит рН қийматини таъсирини ўрганиш талаб этилади. Шу мақсадда МАГКни муҳити турли рН қийматларга ва ион

кучига эга сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикаси ўрганилди. Бунда кислотали ва ишқорий муҳитларда, ҳамда эритмага қуйимолекуляр туз (КСІ) киритилиши натижасида МАГКнинг полимерланиш тезлиги сезиларли даражада ортиши аниқланди (1-расм).



1-расм. МАГКнинг полимерланиш тезлигини эритма рН қиймати (а) ва ион кучига (б) боғлиқлиги. $[M]=0,35$ моль/л, $[I]=1,52 \cdot 10^{-3}$ моль/л, $T=333K$.

1.а-расмдан кўриниб турибдики, МАГК полимерланиш тезлигининг логарифмик қийматини эритма рНга боғлиқлиги экстремал характерга эга бўлиб, минимум нейтрал муҳитларда кузатилади. Эритмада ион кучининг ортиши ҳам мономернинг полимерланиш тезлигини ошишига олиб келади (1.б-расм). Ушбу ходисани сабабини аниқлаш учун МАГКни полимерланишини радикал реакцияларни самарали ингибитори 2,2,6,6-тетраметилпиперидин-N-оксил («ТЕМПО») иштирокида ўрганилиб $K_p/K_o^{0,5}$ қиймати аниқланди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

МАГКни муҳитнинг турли рН қийматларида ва КСІ иштирокида полимерланишида иницирланиш тезлиги ва $K_p/K_o^{0,5}$ катталиги қийматлари ($[M]=0,69$ моль/л, $[I]=4,6 \cdot 10^{-3}$ моль, $T=333K$)

Муҳит	$V \cdot 10^5$, моль/л·сек	$V_{ин} \cdot 10^8$, моль/л·сек	$K_p/K_o^{0,5}$, л ^{0,5} /моль ^{0,5} ·сек ^{0,5}
рН=2	4,40	3,6	0,36
Сув (рН=6)	1,90	3,4	0,16
рН=8	4,63	3,5	0,39
$\mu=0,1$ (рН=6)	4,13	3,6	0,34

2-жадвалдан кўриниб турибдики, рН=2 ва рН=8, ҳамда реакцион эритмага КСІ қўшилиши иницирланиш тезлигини ўзгаришига олиб келмайди. Лекин ўрганилган шароитларда полимерланиш тезлиги ва $K_p/K_o^{0,5}$ қиймати бир-бирига мос равишда ўзгаради. Бу ўрганилган муҳитларда МАГКнинг полимерланиш реакцияси тезлиги ўзгариши $K_p/K_o^{0,5}$ қийматини ўзгариши ҳисобига бораётганини кўрсатади. Шунинг учун ҳам МАГКнинг радикал полимерланиши механизмини аниқлаш мақсадида мономерни фотохимёвий полимерланишини ўрганиш орқали полимер занжирларининг ўсиш ва узилиш константалари абсолют қийматлари аниқланди. МАГКнинг сувли эритмаларда фотохимёвий полимерланиши дилатометрик усулда, $\lambda=365$ нм нур узунлигидаги УБ-нурланиш таъсирида,

фотосенсибилизатор сифатида АИКД иштирокида ва 308К ҳароратда тадқиқ қилинди. МАГКнинг “айланувчи сектор” усули билан полимерланишини ўрганиш натижалари асосида K_p/K_o қийматлари аниқланди. $K_p/K_o^{0,5}$ ва K_p/K_o қийматларининг жамланмасидан фойдаланиб K_p ва K_o константаларининг абсолют қийматлари ҳисобланди, улар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

МАГКнинг полимерланишидаги элементар реакциялар тезлик константалари қийматлари ($[M]=0,694$ моль/л, $[I]=3,04 \cdot 10^{-3}$ моль/л, $T=308$ К, $\lambda=356$ нм, $P=T_{\text{ёп}}/T_{\text{қор}}=1$)

Муҳит	$V \cdot 10^5$	$V_{ин} \cdot 10^8$	$K_p/K_o^{0,5}$, л ^{0,5} /моль ^{0,5} с ^{0,5}	τ , с.	$K_p/K_o \cdot 10^5$	$K_p \cdot 10^{-3}$	$K_o \cdot 10^{-8}$
	моль/л·с						
pH=2,5	1,11	1,61	0,13	0,88	1,51	1,21	0,80
pH=6	0,58	1,58	0,07	0,83	0,74	0,69	0,93
pH=8	1,18	1,60	0,14	0,87	1,59	1,31	0,83
$\mu=0,1$	1,04	1,60	0,13	0,87	1,40	1,16	0,83

3-жадвалдан кўришиб турибдики, иницирланиш тезлиги ва K_o катталиги қийматлари тадқиқ қилинган тизимларда амалда деярли ўзгармайди, занжир ўсиш тезлик константаси қиймати эса полимерланиш тезлигига мос равишда ўзгаради. Олинган натижалар асосида полимерланиш тезлигини муҳит ўзгариши билан ортиши ПМАГКнинг ионланган радикаларини тизимга киритилган ташқи ионлар билан электростатик таъсирлашувлари натижаси бўлиб, у полимер занжирининг ўсиш тезлигини ортишига олиб келади деган хулоса келиб чиқади. Шундай қилиб МАГКнинг радикал полимерланишида ионоген гуруҳнинг мономер кўшбоғидан узоқда бўлишига қарамай электростатик таъсирлашувлар мономер ва ўсаётган радикал иштирокидаги занжир ўсиши тезлигига жуда кучли таъсир кўрсатади.

Реакцион аралашма pH қиймати ва ион кучининг ҳосил бўлаётган полимерларнинг молекуляр массавий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш мақсадида турли шароитларда олинган полимер намуналарини эксклюзив суюқлик хроматографияси (ЭСХ) ёрдамида ўртача молекуляр массалари ва полидисперслик даражаси аниқланди. Полимерларнинг молекуляр массавий тавсифларини аниқлаш натижалари кинетик ўзгаришлар билан солиштирилган ҳолда 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


Муҳит pH қиймати ва эритма ион кучининг МАГКнинг полимерланиш тезлиги ва олинган полимерларнинг ўртача молекуляр массаси ва полидисперслик даражаси га таъсири

Полимерланиш шароити	$V \cdot 10^5$, моль/л·сек	$M_w \cdot 10^{-5}$	$M_n \cdot 10^{-5}$	M_w/M_n
Сув (pH=6)	1,90	2,93	1,64	1,79
pH=2	4,40	5,85	3,4	1,72
pH=8	4,63	5,58	3,16	1,76
$\mu=0,1$ (pH=6)	4,13	3,34	1,41	2,36

4-жадвалдан кўришиб турибдики, синтез қилинган полимерларнинг молекуляр массалари мономернинг полимерланиш тезлигига мос равишда


МАГК асосида ГМДАА ва А-N-ОЭАА иштирокида олинган ПГлар учун ҳам ўхшаш натижалар олинди. Тадқиқотлар МБАА иштирокида олинган ПГларнинг бўкиш даражаси ГМДАА ва А-N-ОЭАА иштирокида олинган ПГга нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Демак, ГМДАА ва А-N-ОЭАА структураларидаги кўшбоғларнинг бир-биридан узок бўлишига қарамай уларнинг гидрофоблиги ушбу ЧВ иштирокида олинган ПГларнинг бўкишини қийинлаштиради.

Карбоксиметилкрахмални натрийли тузини крахмални қаттиқ фазада кимёвий модификациялаш орқали синтези. Карбоксиметилкрахмални натрийли тузи (Na-КМК) олишнинг барча маълум усуллариининг мақсади маҳсулотнинг истеъмол сифатини, масалан, унинг сувда эрувчанлиги ва асосий маҳсулот улушини оширишдан иборат. Ушбу ишда жўхори КРни монохлорсирка кислотасининг натрийли тузи (Na-МХСК) билан NaOH иштирокида сувли эритмада ва қаттиқ фазада карбоксиметиллаш амалга оширилди:




Ишда олинган Na-КМК намуналари оқ рангли кукунсимон кўринишда бўлиб, табиий КРдан фарқли равишда хона ҳароратида сувда яхши эриши билан бирга юқори ковушқоқликка эга бўлган бир жинсли эритмалар ҳосил қилади. Ўтказилган тадқиқотлар қаттиқ фазада олинган Na-КМКнинг алмашиниш даражаси (АД) сувли эритмада олинган намуналарникига нисбатан кам эканлигини кўрсатди. Шунга қарамай Na-КМК олиш учун қаттиқ фазада усул маъқул топилди, чунки саноат синовлари натижасида уларнинг технологик кўрсаткичларини текстил саноатида ишлатиш учун мос деб топилди. Қаттиқ фазада усул шунингдек бошқа усулларга нисбатан анча технологиклиги ва харажатлар камлиги билан фарқланади.

Ишда бошланғич реагентлар нисбатининг ва реакция давомийлиги каби турли омилларнинг Na-КМК намуналарининг АДга таъсири ўрганилди. Бошланғич аралашмадаги реагентлар нисбатини КРни карбоксиметиллаш реакциясига таъсирини ўрганиш мақсадида турли моль улушдаги КР:NaOH:Na-МХСК нисбатларда қатор тажрибалар ўтказилди (КР моль улуши полимернинг бир элементар звеноси учун ҳисобланган). 3-расмдан кўриниб турибдики, реакция аралашмадаги ишқорнинг концентрацияси 1,5 моль улушгача ортиши билан ҳосил бўлаётган Na-КМК нинг АД ортиб боради, сўнгра эса бирдан камаяди, бу ишқорнинг бошқа қўшимча реакцияларга сарфланиши билан изоҳланади.



3-расм. Реакцион аралашмадаги NaOH моль улушининг хосил бўлаётган Na-КМКнинг АДга таъсири. КР:Na-МХСК нисбати 1:1 моль улуш.



4-расм. Реакцион аралашмадаги Na-MXUK моль улушининг хосил бўлаётган Na-КМКнинг АДга таъсири. КР: NaOH нисбати 1:1,5 моль улуш.

КРни карбоксиметилланиш реакциясига Na-MXCK концентрацияси таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг ортиши билан Na-КМКнинг АД бошланғич аралашмадаги реагентлар КР:Na-MXUK:NaOH моль улуши нисбати 1:1,5:1,5 бўлгунича ошиши кузатилди, Na-MXCK концентрациясини янада ортиши эса намуналарнинг АДнинг сезиларли даражада ўсишига олиб келмайди (4-расм). Шунинг учун ҳам бошланғич реагентларнинг келтирилган нисбати Na-КМК олиш учун мақбул нисбат деб топилди. Тадқиқотлар шунингдек реакция давомийлигини 60 минутдан ортиши билан АДнинг сезиларли даражада ошишига олиб келмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, КРни NaOH ва Na-MXUK иштирокида қаттиқ фазада кимёвий модификациялаш орқали Na-КМК синтез қилинди. Бошланғич реагентлар нисбатининг Na-КМК алмашиниш даражасига таъсири тадқиқ қилиниб бошланғич аралашмаларнинг мақбул нисбати топилди.

Полиакрил кислотаси ва бентонит гилмояси асосида чокланган полимер композициялар олиш. Чокланган полимерлар таркибига турли табиий моддалар киритиш йўли билан композицион геллар (КГ) олиш уларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш мумкин бўлган йўллардан бири ҳисобланади. КГ олишда истиқболли компонентлардан бири бўлиб гилмояли минераллар ҳисобланади. Полимер матрицасининг модификаторлари сифатида турли гилмоялардан фойдаланиш деформацион-мустаҳкамлик хусусиятини оширишдан тортиб белгиланган геометрик шаклга эга материаллар олиш каби комплекс вазифаларни ҳал қилишни, бу эса янги полимер композицион (ПК) материаллар турларини яратиш имконини беради. Минерал гилмоялар орасида композициялар олиш учун энг истиқболлиси бентонит гилмояси (БГ) ҳисобланади. Чунки БГ юқори гидрофилликка эга, зарари кам, экологик хавфсиз, яхши адсорбцион хусусиятга эга ва нисбатан арзон ҳамда кенг тарқалган модда ҳисобланади. Ишда КГ олишда полимер матрицанинг фаол тўлдирувчиси сифатида маҳаллий «Навбахор» маркали “ишқорий бентонит гилмояси”дан фойдаланилди. КГлар акрил кислотасини (АК) ЧВ (N,N-метилен-бис-акриламид) иштирокида БГнинг сувли суспензиясида «*in situ*» интеркаляцион полимерлаш усули билан олинди. Бунда чоклараро бўшлиғи БГ заррачалари

билан тўлган чокланган полиакрил кислотаси (ПАК) ҳосил бўлади. Ишда турли таркибга эга КГ олинди. БГнинг композициядаги масса улуши бошланғич АК ва БГ улушига нисбатан 1 дан 70% гачани ташкил қилди. Бунда бир жинслилиги юқори бўлган намуналар КГ таркибидаги БГ миқдори 50% гача бўлганда ҳосил бўлади.

Диссертациянинг «**Олинган полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари**» номли **учинчи боб**ида синтез қилинган сувда эрувчи ва бўкувчи полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда ПАК ва БГ асосида олинган КГларнинг тузилишини физикавий тадқиқот усуллари ёрдамида ўрганиш натижалари келтирилган.

Полиметакрилоилгликол кислотасининг физик-кимёвий хоссалари. Полиэлектролитлар сувли эритмаларининг муҳим гидродинамик тавсифи уларни қовушқоқлиги ҳисобланади, чунки у нафақат қуйимолекуляр бирикмалар қовушқоқлигидан, шунингдек полиэлектролит хоссаларини намоён қилмайдиган полимерлар қовушқоқлигидан ҳам фарқ қилади. Бундай аномаль боғлиқлик полиэлектролитлар учун хос бўлиб “полиэлектролит бўкиш” эффекти билан тушунтирилади. Тажрибалар натижасида ПМАГКни НСІ нинг 0,002 М эритмасида $\eta_{уд}/C$ ни С боғлиқлиги ноэлектролитлар учун хос бўлган тўғри чизиқли кўринишга эга эканлиги аниқланди. Кислотали муҳитда эгри чизиқнинг аномал кўринишининг йўқолиши карбоксил гуруҳнинг ионланиши йўқолиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам кейинги тадқиқотларда ПМАГКнинг характеристик қовушқоқлигини аниқлаш НСІ нинг 0,002 молярли сувли эритмасида олиб борилди.

ПМАГКнинг молекуляр массаси ва макромолекулаларининг параметрларини аниқлаш мақсадида полимерни фракциялаш амалга оширилди, уларнинг характеристик қовушқоқлиги аниқланди ва ультрацентрифугалаш усули билан молекуляр массаси ҳисобланди, натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

ПМАГКни фракциялаш натижалари ва 0,002 моляр НСІ эритмасидаги гидродинамик параметрлари

№ Фр.	Фр. масса улуши, %	$[\eta]$, дл/г	$S_0 \cdot 10^{13}$, с	$M_{S\eta} \cdot 10^5$	$(h_{\theta}^2)^{1/2}$, Å
1	7,08	1,21	6,04	3,96	964
2	10,02	1,11	5,32	3,14	858
3	11,40	0,86	4,90	2,44	757
4	26,81	0,78	4,42	1,99	683
5	22,34	0,71	3,86	1,55	603
6	9,12	0,60	3,04	1,00	483
7	7,25	0,44	2,62	0,68	400
8	5,98	0,29	1,68	0,28	258

ПМАГК эритмаларининг қовушқоқлиги ва седиментациясини ўрганиш натижалари асосида унинг ўртача молекуляр массасини ҳисоблашнинг қуйидаги асосий тенгламалари келтириб чиқарилди:

$$[\eta] = 11,40 \cdot 10^{-4} \cdot M^{0,54}; S_0 = 1,23 \cdot 10^{-15} \cdot M^{0,48}; \left(h_0^- \right)^{1/2} = 1,53 \cdot M^{0,50}$$

Тадқиқ қилинган ПМАГК намунаси учун молекуляр массавий тақсимланишнинг дифференциал ва интеграл эгрлари тузилди, у унимодал характерга эгаллиги ва полидисперслик даражаси $\frac{M_w}{M_n} = 1,51$ қийматга тенг эканлиги аниқланди.

ПМАГК эритмаларини потенциометрик титрлаш усули билан уларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинди, чунки ушбу усул полиэлектрولитларни эритмадаги ион мувозанатини тавсифловчи тўғридан-тўғри усул ҳисобланади. Титрлаш натижалари асосида Гендерсон-Хасселбах тенгламасидан фойдаланиб ПМАГК учун pK_0 қиймати 4,4 тенг эканлиги аниқланди. Тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, ПМАГК макромолекулаларини ионланишида уларда конформацион ўтиш содир бўлар экан. ПМАГК эритмаларини потенциометрик титрлаш натижалари асосида протонлар ионланишининг эркин энтальпияси ($\Delta G_{\text{хар}}$), протонларнинг ионланиш реакциясида эркин энтальпиянинг умумий ўзгариши (ΔG_{α}), протонларнинг ионланиш энергиясига электростатик ($\Delta G_{\text{эл}}$) ва конформацион эркин энтальпияларнинг ($\Delta G_{\text{конф}}$) қўшган ҳиссалари ҳисобланди. Уларнинг қийматлари 6-жадвалда келтирилган.


6-жадвал

ПМАГК сувли эритмасини потенциометрик титрлаш натижасида аниқланган $\Delta G_{\text{хар}}$, $\Delta G_{\text{эл}}$, $\Delta G_{\text{конф}}$ ва ΔG_{α} қийматлари


Полимер	$\Delta G_{\text{конф}}$, Ж/моль	$\Delta G_{\text{эл}}$, Ж/моль	$\Delta G_{\text{хар}}$, Ж/моль	ΔG_{α} , Ж/моль
ПМАГК	200	665	12382	13249

Олинган натижалар ПМАГК асосий занжиридаги звеноларда метил гуруҳи мавжудлиги сабабли сувли эритмаларда метакрил кислотаси каби гидрофоб таъсирлашувлар ҳисобига турғунлашган ўралган конформация ҳосил бўлишидан далолат беради.

Метакрилоилгликол кислотаси асосидаги гидрогелларнинг сувли эритмаларда бўқиши ва коллапси. Гидрогелларнинг асосий тавсифларидан бири бу уларнинг сувни ютиш даражаси ва тезлиги ҳисобланади. ПГ сувни ютиши эритма табиати ва муҳити билан кучли боғлиқ. Шунинг учун ҳам муҳитнинг геллар бўқишининг кинетик тавсифларига таъсирини тадқиқ қилиш маълум илмий ва амалий қизиқиш туғдиради. Шунингдек гидрогелларнинг ушбу хусусиятидан фармацевтика ва парфюмерия каби соҳаларда сув тутувчи мазлар, кремлар ва маскалар олишда кенг фойдаланилади. Ушбу ишда МАГК асосидаги гидрогелларнинг бўқиш кинетикасига сувли эритманинг рН қиймати ва ион кучи каби турли омилларнинг таъсири ўрганилди. 5 ва 6-расмларда МАГК асосида турли ЧВ иштирокида олинган ПГларнинг дистилланган сувда бўқиш кинетикаси келтирилган.





5-расм. МАГК асосидаги МБАА иштирокида олинган ПГларнинг сувда бўқиш кинетикаси. 1, 2, 3, 4-МБАА концентрацияси мос равишда 0,935; 1,84; 2,81; 4,69 моль%.



6-расм. МАГК асосидаги А-Н-ОЭАА иштирокида олинган ПГларнинг сувда бўқиш кинетикаси. 1, 2, 3, 4- А-Н-ОЭАА концентрацияси мос равишда 0,935; 1,84; 2,81; 4,69 моль%.

5- ва 6-расмлардан кўришиб турибдики, гидрогелларнинг бўқиш даражаси ПГ олишда ишлатилган ЧВ концентрациясига кучли боғлиқ. Шунингдек ишлатилган ЧВ табиатига қараб олинган ПГ турлича бўқиш қобилиятини намоён қилиши аниқланди.

Эритма рН ва ион кучини сувда мувозанатли бўқиб турган ПГларнинг ҳолатига таъсири ўрганилди.




7-расм. МАГК асосидаги ва МБАА иштирокида олинган гидрогелларнинг мувозанатли бўқиш даражасига муҳит рН қиймати (а) ва ион кучининг (б) таъсири.

1, 2 - ЧВ концентрацияси мос равишда 3; 5 масс. %.

7-расмдан кўришиб турибдики, МАГК асосидаги ПГнинг мувозанатли бўқиш даражаси эритма рН қиймати пастлаши билан, айниқса рН=4,5-3 оралиғида кескин камайиб кетади. Бу ҳолат “геллар коллапси” деб номланиб, биринчи тур фазавий ўтиш билан боғлиқ бўлиб, бўққан гелнинг ҳажми бирдан камайиши билан содир бўлади, яъни гелни ютилган сувни “сиқиб” чиқариши кузатилади. Эритма рН муҳити ўзгариши билан бундай хусусиятни намоён қилувчи геллар рН-сезгир ПГ деб номланади. Худди шундай ҳолат мувозанатли бўққан ПГларни турли ион кучига эга эритмаларга туширилганда ҳам содир бўлади.

Метакрилоилгликол кислотаси асосидаги гидрогелларнинг чок тузилишининг тавсифи. Чокланган полимерларнинг эритувчи билан таъсирлашув характери, хусусан унинг ички қисмига эритувчи

молекулаларининг кириши, бўкиш даражаси ҳамда бошқа физик-кимёвий ва механик хоссалари чокнинг уч ўлчамли тузилиш параметри ва албатта Флори-Хаггингс назариясида Флори –Хаггинг константаси (χ_1) номи билан аталувчи полимер макромолекуласи ва эритувчи молекуласи орасидаги ўзаро мойиллик билан белгиланади. Шунинг учун ишда МАГК асосидаги МБАА билан чокланган полимерлар учун χ_1 қиймати топилди. Унинг қиймати ПГнинг эритувчи буғларини сорбция қилишига асосланган А.Тагер усули билан аниқланди. Полимер томонидан сув буғларини сорбцияси P/P_s нинг турли қийматларида сорбцион қурилма ёрдамида Мак-Бен тарозисидан фойдаланилиб, вакуумда 10^{-3} мм.сим.уст. амалга оширилди. Сорбция изотермаси асосида $\left[2.303 \lg \frac{P_1}{P_1^0(1-\varphi_2)} \right] / \varphi_2 - 1$ ни φ_2 (φ_2 – полимернинг ҳажмий улуши) боғлиқлик графигидан фойдаланиб полимер учун χ_1 қиймати аниқланди (8-расм)



8-расм. МАГК асосидаги геллар учун $\left[2.303 \lg \frac{P_1}{P_1^0(1-\varphi_2)} \right] / \varphi_2 - 1$ нинг φ_2 га боғлиқлиги

Олинган натижалар асосида χ_1 параметрининг қиймати, тадқиқ қилинаётган МАГК асосидаги ПГ намуналари учун 0,320 тенг эканлиги аниқланди. Бу ушбу полимер учун сув “яхши” эритувчи эканлигини кўрсатади ва МАГК асосидаги сийрак чокланган полимерларнинг чокланганлик параметрларини ҳисоблашда топилган χ_1 катталиги қийматидан фойдаланиш мумкин.

7-жадвал


МАГК асосидаги ПГ учун α , φ_2 ва чок тузилишининг баъзи бир параметрларини геллар олишда бошланғич аралашма таркибидаги мономер ($[M_0]$) ва ЧВ (МБАА) концентрациясига боғлиқлиги

$[M_0]$ моль/л	ЧВ, моль %	α , г/г	φ_2 г/см ³	$n_c^* \cdot 10^6$, моль/см ³	\bar{M}_c
0,77	0,935	164	0,0056	1,785	616247
	1,837	125	0,0073	2,824	389518
	2,811	95	0,0096	4,499	244447
	4,691	55	0,0166	11,465	95941
1,15	0,935	111	0,0089	4,086	269161
	1,837	82	0,0111	5,780	190284
	2,811	66	0,0138	8,375	131336
	4,691	47	0,0194	15,034	73166


МАГК асосида олинган ПГ чок тузилиш параметрларини тавсифлаш учун уларнинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳисобланди: мувозанатли бўкиш

даражаси (α), зичлиги (ρ), бўккан гелдаги полимернинг ҳажмий улуши (φ_2), ҳажм бирлигидаги фаол занжирларларнинг моллари сони (n_c^*) ва уларнинг ўртача арифметик молекуляр массаси (\overline{M}_c), ҳамда ушбу барча катталикларни ЧВ табиати ва геллар олиш шароитига боғлиқлиги. 7-жадвалда МАГК асосидаги ва МБАА билан чокланган ПГларнинг чок тузилиш параметрларини аниқлаш натижалари келтирилган. Чок тузилишининг параметрлари шунингдек ГМДАА ва А-Н-ОЭАА иштирокида олинган ПГ учун ҳам ҳисобланган.

Карбоксиметилкрахмал натрийли тузининг сувли эритмалардаги реологик хоссалари. Na-КМК сувли эритмасининг қовушқоқлигини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Чунки Na-КМК текстил, қоғоз саноатида қуюқлаштирувчи ва эмульгатор, нефт-газ казиб олиш саноатида бурғулаш эритмаси компоненти сифатида кенг қўлланилади. Шунинг учун ишда КРни қаттиқ фазада модификациялаб олинган Na-КМКнинг сувли эритмаларини қовушқоқлиги ўрганилди. Бунда эритмада Na-КМК концентрациясининг камайиши билан унинг келтирилган қовушқоқлигининг ортиши кузатилди, бу полиэлектрولитлар учун хос хусусиятдир. Эритмага қуйимолекуляр туз (NaCl) қўшилиши уларнинг келтирилган қовушқоқлигини камайишига олиб келади. Na-КМКни АД ва келтирилган қовушқоқлиги орасидаги боғлиқлик максимум орқали ўтувчи эгри чизик кўринишига эга эканлиги аниқланди (9-расм).



9-расм. Na-КМК эритмасининг келтирилган қовушқоқлигини алмашиниш даражасига боғлиқлиги. Эритмада Na-КМК концентрацияси 0,8%.




10-расм. Na-КМК эритмасини келтирилган қовушқоқлигини муҳит рН қийматига боғлиқлиги. Эритмада Na-КМК концентрацияси 0,2%. 1- Na-КМК сувли эритмаси. 2-Na-КМК сув-тузли эритмаси (эритмада NaCl концентрацияси 0,1 моль/л).

9-расмдан кўришиб турибдики, АДнинг қиймати 0,8 бўлгунича ортиши билан Na-КМК эритмаларининг ҳам келтирилган қовушқоқлиги кўтарилиб бориши, АДнинг янада ортиши билан эса унинг кескин камайиши кузатилади. Na-КМК эритмаларининг келтирилган қовушқоқлигига эритма рН қийматини таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, рН=10 гача қовушқоқлик ортиши кузатилади (10-расм), сўнгра унинг бирданига камайиб

кетиши кузатилди. Олинган натижалар Na-КМК эритмасининг энг юкори даражадаги қовушқоқлиги ишқорий муҳитда, рН=8-10 оралиғида ҳосил бўлишини кўрсатади.


